



XIX асрнинг бошлари Русиянинг Шаркка кизиқиши, Шарк билан маданий муносабатлари, Шарк адабиётининг Русия адабиётига таъсири янги босқичга кўтарилган бир давр саналади.

---

Шаркна мавзу айникса рус романтиклари ижодида ўзининг ёрқин ифодасини топган. Академик И. Ю. Крачковскийнинг таъкидлашича, «20- йилларнинг бошида «Шарк услуби» Шарк дунёкарашининг ифодаси сифатида муҳим аҳамият касб этди, айникса, шоирларнинг асосий кизиқишларига айланиб қолди.

Рус адабиёти тарихини кузатиш Русиянинг Шаркка кизиқиши Пётр I давридаёқ бошланиб, Пушкин даврида ниҳоятда кучайиб, ундан кейинги даврларда ҳам сусаймай тараккий қилиб борганини кўрсатади.

С.Пушкиннинг Бокчасарой мавзусидаги шеърий поэмалари билап бир вақтда П.А.Вяземскийнинг «Бокчасарой» шеъри, Пушкиннинг «Хофиздан», «Куръонга иқтибос», «Арабчага таклид» асарлари билан олдинма-кейин А.А.Фетнинг ва А.Н.Майковларнинг «Хофиздан», Я.П.Полонскийнинг «Куръондан» каби шеърлари яратилган.

В.Иванов тан олишича, «Шарк шеърияти Оврупаникидан минглаб йилларга ёши улуг

бўлиб, доимо унга таъсир килиб келган». Пушкин даврига келиб, бу жараённи ўрганишга кизиқиш яна ҳам кучайди. XIX аср бошлари рус матбуотида рус адиблари, олимлари, адабиётшунослари ва танкидчилари фаолиятида ҳам бу хол ўз ифодасини топди.

«Полярная звезда», «Телескоп», «Азиатский вестник», «Вестник Европы», «Московский телеграф» каби вақтли матбуот нашрларида мунтазам равишда Шарк адабиётига мансуб асарлар таржимаси ва улар хақида илмий мақолалар эълон қилиниб турган. Пушкин даври рус адабиёти тарихида Петербургда Г.И.Спасскийнинг «Азиатский вестник», Москвада И.А.Полевойнинг «Московский телеграф» журналлари адабий алоқаларнинг тарғиботчиси сифатида фаолият кўрсатган.

«Московский телеграф» журнали муҳаррири Н.А.Полевойнинг ўзи Шарк адабиётига катта кизиқиш билан қараган, рус адабий жамоатчилигининг Шарк адабиёти иамуналари билангина эмас, Оврупа шаркшуносларининг илмий изланишлари билан таништиришга ҳам ўзининг асосий мақсадларидан бири санаган ва ўз мақолаларида Шарк тилларини ўрганишга чақирган. Шунинг учун журналда Париж, Лондон, Калкутта Осиё жамиятларининг фаолияти, рус шаркшуносларидан Иакинф—Бичурин, Френ, Шармуа, Сенковский қабиларнинг асарларини ёригишга кенг ўрин берилган.

«Минг бир кеча» таржимаси, араб халқ оғзаки ижодида мансуб асарлар, афоризм ва мақоллар ҳам бу журнал саҳифаларидан кенг ўрин олган. Исломига бўлган араб адабиётига мансуб шоирлардан Имрул Қайс, Тараф, Зухайр, Антар, Амру, Лабиб қабиларнинг асарлари, жоҳилия даври «Муаллақотлар»и хақида журналда анча кенг маълумотлар берилган.

Журнал форс адабиёти вакиллари Фирдавсий, Саъдий, Хофиз, Жомий ижоди билан рус оммасини таништиришда катта хизмат қилган. Журналда Пушкиннинг дўстлари П.А.Вяземский, Бестужев—Марлинскийлар Шарк адабиётига оид қарашлар билан фаол иштирок этшан. П.А.Вяземский озарбойжон олими ва шоири Мирза Жафар Тупчибошевнинг А.Мицкевич сонетини форс тилига қилган таржимасини журналда нашр этади ва ўзининг «Адам Мицкевич сонетлари» мақоласида бу таржиманинг таҳлилини беради.

Пушкиншунослар таржимада шарқона оҳанглар Пушкиннинг «Лаззатбахш фавворалар шабадаси»да шеъридаги шарқоналикнинг шаклланишига таъсир қилган, деб таъкидлайдилар.

Рус пушкиншунослари Пушкиннинг хазрати Муҳаммад (с.а.в.) шахсиятлари билан кизиқиши унинг сургун қилинишидан анча аввал бошланган ва бунга унинг замондоши Чаадаев билаи суҳбатлари ҳам сабаб бўлган бўлиши мумкин, деб тахмин қиладилар. Чунки Чаадаев ислом дини ва Муҳаммад (с.а.в.) шахсиятларини яхши билган ва у Зотга ниҳоятда юқори баҳо берган.

У ўзининг «Фалсафий мактублар» асарида пайгамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)ни инсониятнинг маънавият тарихидаги энг буюқ шахс сифатида улуғлайди ва «дунё динларининг буюқ тараккиётида Муҳаммад динини муҳим деб қарашимиз лозим», деб таъкидлайди.

Пушкиннинг бадиий тафаккури мана шундай адабий жараён таъсирида шаклланган эди ва Шарқка кизиқиши шунчаки эҳтиросли интилиш, тасодифий адабий ҳавас ёки адабий таъсир жараёнлари билан боғлиқ ҳодисагина эмас, албатта. Бу хол шоир тафаккурининг умуминсоний моҳиятидан келиб чиққан ва даҳоларга ҳос умуминсонийлик муаммоси билан боғлиқ илмий масала бўлиш билан бирга, бошқа бир жиҳатдан Пушкин томирларида жўш урган шарқона қон оқимларининг инъикоси ҳамдир. Чунончи,

Пушкиннинг катта бобоси Иброхим ибн Ханбал хабаш амирларидан бирининг ўгли бўлиб, турклар уни асир қилган ва кейинчалик Русия элчилари уни Пётр I га совға қилишган. Чингиз Айтматов инсон ўзининг етти аждодини билиши шарт, чунки инсонларнинг етти бўғинида бир хил қон бўлишини таъбиқат фани ҳам тасдиқлаган, деб таъкидлайди. Пушкин эса араб бобосига мансуб аждодлар шажарасининг тўртинчи бўғини қолди, яъни хабаш бобосидан қали унчалик узоклашиб қетмаган. Пушкиннинг онаси Надежда, Надежданинг отаси Осип, Осипнинг отаси эса Иброхим ибн Ханбал бўлган. Пушкин Михайловское қишлоғида (1824) яшаган даврида Иброхимнинг Пётр исми иккинчи ўгли тирик бўлган. Пушкин катта бобоси билан боғлиқ маълумотлари мана шу қекса амаки бобосидан олган. Пушкиннинг томирларидаги оқиб турган хабаш қони уни қамиша Шарк ўлкаларига қортар, қатто у қанубда сургундалиқ пайтларида қорижий Шаркка қочиб қетишни ҳам қаёлидан ўтказган. Шунда у Қонстантиноқли қўришни, Африка осмонлари остида сайр қилишни орзу қилган. Шоирнинг рақиблари уни масқаралаб, «Искандар Африқавий», деб атардилар.

Пушкиннинг Шарк қаётига қизикиши ва интилишлари ўткинчи қизикиш бўлмай, муқтазам илмий қарактерга эга қеран изланиш самарасидир. Унинг айрим қоралама қозғларида ўз ватандошларига араб шарқига мансуб қалқлар қақида қақиқий илмий маълумотларга эга бўлиш зарурлиғини ўқитган илмий фикрларини ҳам ўқратиш мумкин.

А.С.Пушкин шоир бўлиб қанилганида бутун Оврўпа, жумладан, Русияда ҳам Шарк маданияти, тарихи ва адабиётига қизикиш ниқоятда авж олган давр эди. XIX аср бошларида Русияда бу қизикиш яна ҳам қучайди. Русия университетларида араб, форс, турк қаби Шарк тиллари ўргатила бошланди.

1807 йилдау бошлаб олмақ шарқшунос олими Х.Д.Френ Русияда арабшунослик бўйича Қозон университети Шарк тиллари кафедрасининг профессорни сифатида фаолият қўрсатади. Унинг ташаббуси билан 1818 йил ноябрь ойида Петербургда Осиё музейни очилади. Кейинчалик рус шарқшунослигининг тараккиётига асос бўлган араб, турк қўлёмалари Х.Д.Френнинг саъй-қаракатлари билан ана шу музейда тўпланди.

Шунингдек, Х.Д.Френ Олтин Ўрда ва VI—XI аср арабларига мансуб тилла танқаларни йиғиб, уларни ўрганиб, Русияда нумизматика (танқашунослик) қанига асос қолади. Пушкин даврида фаолият олиб борган «Арзамас» адабий тўғарағи Шарк адабиётининг энг фаол тарғиботчиларидан эди. Пушкин билан бирқалиқда бу тўғаракка аъзо бўлган С.С.Уваров Русияда Шарқни ўрганиш нақат илмий-адабий, балки ижтимоий- сиёсий ақамиятга эга эканини таъкидлаб, Осиё академиясини ташқил этиш ташаббуси билан қикади.

Шарқшунос олимлар тайёрлаш мақсадида иш олиб бораётган Москва ва Қозон университетларидаги Шарк тиллари кафедраси қаби илмий марказлар қаторига 1818 йил Петербург педагогика институтида очилган Шарк тиллари кафедраси ҳам қўшилди, С.С.Уваров бу кафедранинг очилишида нутқ сўзлаб: «Барча динлар, барча қанлар, барча фалсақалар Осиёдан қелиб қиккан. Факат у (Осиё) ақлоқий-маънавий олам буюқликларини сақлаб қолган, биз ана шу ердангина умумбашарий маърифат булоқларини топамиз. Қим ҳам инсон тафакқурининг битмас-тутанмас қони бўлган бу бойликни яқиндан қузатиш иштиёқида ёнмайди!» деб қитоб қилади. Шунингдек, С.С.Уваров Шарқни, Шарк тиллари ва адабиётини ўрганиш ақамияти тўғрисида фикр қуритиб, ўз нутқида араб, форс, қинд адабиётлари қақида маълумот беради ҳамда агар Шарк муқтаз адабиёти ўрганилса, рус сўз санъати тамоман янқиланишини қутиш мумкин, деб таъкидлайди.

Пушкин даврига келиб, Русияда Шарк тиллари ва адабиётини ўрганиш, Шарк адабиёти намуналарини, улар хақидаги илмий маколаларни эълон қилиши анъанавий тусга кирган, билимдон шаркшунослар етишиб улгурган эди. Чунончи, машхур француз шаркшуноси Силвестр де Сасининг шогирди А.В- Болдъфёв 1811 йилдан бошлаб Москва университетига дарс бера бошлайди. У араб, форс адабиёти намуналарини ҳам таржима қилиб, ҳам асл матнида нашр қилиш анъанасини бошлаган биринчи олим саналади.

Русияда Шаркни ўрганишнинг илмий анъаналари шаклланишда ва тараккий қилишида француз шаркшунослик мактабининг хизмати катта бўлган. Русия матбуоти француз шаркшуносларининг илмий маколаларини мунтазам эълон қилди турган.

1815 йили «Вестник Европы» журналида француз шаркшуноси А.Журденнинг «Эрон, бу мамлакатнинг бошқармалари, дини ва адабиёти» номли маколаси рус жамоатчилиги эътиборига хавола этилади. Бу мақолада форс мумтоз адабиёти вакиллари, жумладан, Фирдавсий, Саъдий, Шерозий, Хофиз ижодига мансуб манзумалар ҳам таҳлил этилган. Айникса, Саъдий ва унинг «Васият»и тўғрисида келтирилган фикр- мулохазалар диққатга сазовордир. Пушкиншунослар таъқидлашча, Пушкин А.Журденнинг мазкур маколаси билан таниш бўлган ва бу танишув кейинчалик унинг ижодига таъсирини кўрсатмай қолмайди: У Саъдийнинг «Васият»ида ифода этилган фоний дунёда шоир ҳаётининг ўткинчилиги, ижоди эса боқийликка дахлдор экани хақидаги фикрларига ҳамо ханг гоёларни ўзида мужассам этган «Хайкал» шеърини, Хофиз ижодида намоён бўлган шарк шеърятига хос кўпмаънолилик каби хусусиятли хофизона шеърларни яратади. А.С.Пушкиннинг гўдаклик руҳияти Русияда кенг ёйилган мана шундай Шаркка мафтункорлик муҳити шабадаларидан қувват олди. Шаркна оханглар ўсмир Пушкиннинг лицей даври шеърятигаёқ ўз ифодасини топа бошлаган. Шоирда Шарк хақидаги тасаввурнинг жуда эрта уйғона бошлаганига тарихий муҳитдан ташқари оилавий муҳитнинг ҳам таъсири бўлганини алоҳида таъқидлаш лозим. Чунончи, нуфузли бир хабаб амирининг авлоди бўлган Пушкин оиласида Шарк хусусида суҳбат ёки гурунг бўлмаслиги мумкин эмас. Оиладаги шаркна кайфият ва арабларга туташ қон томири ёш Пушкин дунёқарашидаги ўзгача кўтаринки кайфият ва хис-хаяжон авж олишига руҳий асос бўлган.

XIX аср бошлари Русия ижтимоий-тарихий шароитида Шаркка, Шарк адабиётига оммавий равишда қизиқиш бошланган эди. Ўсмирлик давридан «Минг бир кеча», Антуан Хамилтоннинг «Сехрли эртақлар»и («Минг бир кеча» эртақлари асосида таржима яратилган), Ломоносовнинг «Тамила ва Салим», Криловнинг «Қаиб» каби асарлари, А.В.Болдшрёвнинг араб ва форс адабиётидан таржима қилган шеърини ва насрий намуналари, «Вестник Европн» журналида нашр этилган Фирдавсий, Саъдий, Хофиз асарлари, лицей мударриси Қайдаиовнинг форс тарихи, зардўштийлик, Арабистон, Муҳаммад (с.а.в.) ва ислом дини хақидаги маърузалар Шарк хақидаги маълумотлар бўйича қомусий лугат тузган Кюхелбекер, шаркшунос Осип Сеньковский ва Гулянов, Ўрта Осиё ва Хитой тарихини ўрганган И.Иоакимф каби сайёҳ ва олимлар билан доимий суҳбатлари ва ниҳоят «Қуръон»ни мустақил илмий ўрганиши (1824) бўлажак шоирнинг дунёқараши шаклланишида ўзига хос хизмат қилди.

Бундан ташқари, Пушкин Жон Малколмнинг «Эрон тарихи» ва Хаммернинг «Шарк хазиналари» (Вена, 1818) Гётенинг устози Гердернинг «Инсоният тарихи фалсафасига гоёлар» асари билан ҳам таниш бўлгани бу фикримизни исботлайди.

«Евгений Онегин» поэмасининг VIII бобида Онегин ўқиган асарларга диққат қилинса,

шоир Гердери маърифатпарвар олимлар каторида тилга олиб:

Яна ўқий бошлар кўлга не тушса  
Ўқиб чикди Гиббон, Руссо, Мандони  
Гердери, Шамфорни, Бишанни яна  
Madam de Stael билан Тассони, —  
деб ёзади.

Русиянинг Техрондаги элчиси А.И.Грибоедов билан таниш бўлгани Пушкиннинг эроншунослик, Шарк халклари тарихи ва маданияти хақида кенг маълумотлар олишига замин яратган. Форс шоири Аббос Мирзо Фозилхонни Пушкин Саъдий билан Хофизнинг жонли издоши, деб эътироф эгган ва албатта, ўзаро суҳбатларида форсий адабиёт хақидаги билимини бойитишга интиланган бўлиши табиий.

А.С.Пушкин «Пётр I тарихи»ни ёзаётганида Эрон, Туркия, Афғонистон, Хиндистон, Ўрта Осиёнинг тарихий, сиёсий ҳаёти билан яна ҳам чуқурроқ танишишга муваффақ бўлган. Пушкин Шарк фалсафасини шунчалик теран ўзлаштирадики, «Хасис олтиннинг эгаси эмас, олтин хасиснинг эгасидир», деган Шарк хикмати асосида жаҳон мумтоз адабиётининг нодир намуналаридан бирига айланган «Хасис рицар» трагедиясини яратади.

Ушбу далиллар Пушкин Шарк мамлакатлари хақида замондош ижодкорларига нисбатан анча кенгрок маълумотга эга бўлган, деган хулоса чиқаришга илмий далил бўла олади. Демак, Пушкин болалигидан Шарк халклари ҳаёти ва руҳиятидаги ўзига хослик хақида муайян тасаввурга эга бўлган ва бу эса ўсмир Пушкиннинг лицей даври шеърларидаёқ ифодасини топа бошлаган. Шоир «Наталяга» шеърини ёзганида ўн тўрт ёшда эди. Ана шу шеър сайланма асарларида даврий тартиб бўйича биринчи ўринда келган.

«Наталяга» (1813) шеърида Пушкин шундай деган:

Харам хожасимасман,  
Араб хам, турк хам эмасман,  
Назокатли чинликдек гўё,  
Орсиз америкаликдек ё,  
Эхтиромга арзимасман.

Шу йили яратилган «Роҳиб» деган иккинчи шеърда:

«Вольтер! Француз камолотин султони...» сатрида «султон» сўзи кўлланган. Худди шу шеърнинг учинчи бўлимида Куддуси шариф хақида сўз борган. Пушкин: «...Парвоз кил, шошил, Шаркнинг муқаддас шахри сари...» каби сатрларида шаркка интилиш кайфиятини очик-ойдин ифодалайди. Шаркна оханглар жилоси Пушкин ижодининг дастлабки даврида (1813—1820) яратилган шеърят намуналари «Талабалар базми жамшиди», «Тургеневга», «Орловга» каби шеърларида ҳам ифодасини топган.

Дилбар КАМБАРОВА

